

АКСЕЛЕРАТ ҚУЁНЛАРНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИ

К.И.Хидиров

Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази директори

Ф.Б.Бахриддинов

доктор PhD, лойиҳа раҳбари

Аннотация. *Тажрибадаги акселерация усулида ўстирилган қуёнларни қуёнхонада боқилган тенгдошлари билан таққослаш орқали ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган ва акселерацион усулда парваришлан, илмий асосда озиклантириш ва ҳайвонларни қулай шароитда сақлаш ва уларнинг барча физиологик эҳтиёжларини ҳисобга олиш қуёнларни ўсиш ва ривожланишига ҳамда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларини шакллантиришига ижобий таъсир қилиши ёритилган.*

Калит сўзлар: *она қуён, эркак қуён, тирик вазн, кунлик ўсиш, тана ўлчамлари.*

Аннотация. *Дана сравнительная оценка роста и развития кроликов выращенных акселерационным методом и в крольчатниках закрытого типа. Акселерационное выращивание, научно обоснованное кормление, создание оптимальных условий содержания положительно повлияли на рост и развитие кроликов, а также на предпосылки формирования продуктивности.*

Ключевые слова: *кроликоматка, самец, живая масса, суточный прирост, промеры телосложения*

Кириш. Акселерацион усулидан фойдаланган ҳолда қуёнларни саноат усулида кўпайтириш ҳозирги кунда Россия, Хитой, Германия, Украинада энг фойдали уй бизнесидан бири ҳисобланади. Қуёнлар икки она қуёнларга мўлжанланган ярим автоматик мини комплексларда парвариш қилинади. Улар қўллайдиган технология совуқ иқлимга мослаштирилган, бизнинг иссиқ иқлимизга мос эмас, чунки миникомплекслар ёпиқ ҳолда ишланган ва уларда микроклим яратиш назарда тутилмаган. Туғилган қуён болалари онаси тагида уч ой боқилади ва уларнинг тирик вазни бу даврда 3 кг ошади, яшовчанлиги юқори бўлади ва фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига соғлом насли қуён етказиб бериш имкони бўлади.

Акселерацион технологияси йил давомида оптимал шароитда қуёнларни туғдириш ҳисобига гўшт маҳсулдорлигини оширишга ва сифатли мўйна олишга ёрдам беради. Йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш уяларни иситиш ва қишда қуёнларни илиқ сув билан боқиш орқали таъминланади. Натижада пайдо бўлган мўйнали маҳсулотлар юқори сифатга эга, чунки қуёнларни атроф-муҳит ҳароратида боқиш турларнинг генетик салоҳиятини намоён қилишга имкон беради. Маҳсулотларнинг сифати ва миқдорини яхшилаш, ҳайвонларни боқиш учун сарфланадиган харажатларни камайитириш билан акселерацион қуёнчилик иқтисодий афзаллигини



исботлайди. Мини-фермаларда боқиладиган қуёнлар катта бўлиб, ёпиқ қуёнхоналарда боқиш билан солиштирганда эрта пишиб етилади ва гўшт ва терини ишлаб чиқариш йўналишларининг талабларига жавоб беради.

Акселерация усулида қуёнларни кўпайтириш ҳозирги кунда саноат қуёнларини этиштиришнинг энг замонавий ва самарали усули ҳисобланади. Ушбу ёндашувнинг моҳияти сунъий муҳитда қуёнларни оммавий боқиш соҳасидаги тадқиқотларига асосланади.

Тадқиқот материаллари ва методикаси. Ушбу тадқиқотда қуён танасининг постэмбрион даврининг биринчи босқичида тез ўсиши ва ривожланиши учун қулай ташқи шароитларни яратиш ва уни амалга ошириш усули, қуёнларни она сути билан узоқ муддатли боқиш, уларни кейинчалик тўлақийматли озиклантириш, ҳайвонларни қулай шароитда сақлаш ва уларнинг барча физиологик эҳтиёжларини ҳисобга олиш, олинадиган маҳсулот сифатини ўрганиш вазифалар этиб белгиланган. Стресснинг йўқлиги, мўл-кўл соғлом озуқа, илиқлик ва тоза ҳаво қуён танасининг ресурсларидан максимал даражада фойдаланишни рағбатлантиради, бу генетик жиҳатдан аниқланган ҳолда идеал ҳайвонни яратишга олиб келди.

Тадқиқотлар Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази тажриба участкасида 2022 йил олиб борилди ва 44 бош она ва 10 бош эркак калифорния қуён зоти танланди. Тажриба қуёнлар очик ҳаволи марказ томондар ишлаб чиқилган мини фермада парваришланди.

Акселерацион усули бўйича ўсган насли қуёнларнинг маҳсулдорлик ва биологик хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлигини анъанавий технология билан таққослаганда (қуёнхоналарда) маҳсулдорлик потенциалини илмий жиҳатдан асослаш мақсад қилиб белгиланган.

Тадқиқот натижалари. "Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази" томонидан тажриба ўтказиш учун қуёнхоналарни тайёрлаш ишлари жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, лойиха доирасида ресурс тежамкор мини ферма конструкцияси ишлаб чиқилди, ясатилди ва жихозланди.

Битта мини ферма эгалладиган майдон $1,65 \text{ м}^2$, иккита она қуён ва 20 қуён болаларига мўлжанланган. Мини ферма $52 \times 42 \times 32$ туғириқхона, $42 \times 34 \times 15$ хашак учун бўлим, 1,5 л сифимга эга сувдон ва 2,5 кг комбикормга мўлжанланган охур билан жихозланган.

Бундай мини фермаларда қуёнлар ўзларини комфорт сезади. Кузатувлар шуни кўрсатдики улар ёзда $+40+45^{\circ}\text{C}$ да ва қишда $-15-20^{\circ}\text{C}$ ўзларини яхши хис қилиши аниқланди.

Қуёнларнинг вазн ўсиши асосий биологик омиллардан бири ҳисобланиб, бу кўрсаткични ўрганиш зоотехния фанида муҳим ва асосий ҳисобланади.

1- жадвал

Она қуёнларнинг даврлар бўйича ўсиш динамикаси
--



Ёши, кун	Тирик вазни,г	Cv,%	Экстерьер ўлчамлари,см				
			Тана узунлиги	Cv,%	Кўкрак айланаси	Cv,%	Гўшторлик индекси,%
120	3021,6±15,7	3,3	48,4±0,54	6,4	33,3±0,24	2,9	68,8
150	3531,2±13,3	4,7	48,8±0,39	5,2	33,5±0,11	3,3	68,6
180	3933,6±11,8	4,1	49,2±0,47	4,9	33,7±0,17	3,5	68,5
210	4173,3±17,1	5,2	49,7±0,59	5,1	34,1±0,29	4,1	68,6

Миниферманинг поли 1,2x1,2 см ячейкалик пўлат симли сетка билан қопланган. Қуёнлар нажаси туника поддон орқали махсус идишга йиғилади.

Бундай минифермалар очик жойларда, дарахлар соясида жойлаштиришга мўлжалланган ва хафтада бир-икки марта қуёнларни озуқа ва сув билан таъминлаш ва йиғилган гўнгни тозалаш кифоя қилади.

Тажриба учун Калифорния зотига мансуб қуёнлар олиб келинган 44 бош (1-жадвал) урғочи қуёнларнинг ўртача ёши 128,5 кунни ташкил қилиб, ўртача вазни 3021,6 кг, тана ўлчамлар ўртача 48,43, кўкрак айланаси ўртача 33,3 см, тана ўлчамлари ўртача 48,43см, тана индекси ўртача 0,7.

2 -жадвал

Эркак қуёнларнинг даврлар бўйича ўсиш динамикаси

Ёши, кун	Тирик вазни,г	Cv,%	Экстерьер ўлчамлари,см				
			Тана узунлиги	Cv,%	Кўкрак айланаси	Cv,%	Гўшторлик индекси,%
120	3085,6±33,49	3,4	49,3±0,28	6,3	32,6±0,01	1,1	66,1
150	3661,2±23,3	3,9	48,8±0,36	5,9	33,5±0,11	3,6	68,6
180	4211,6±17,2	4,4	49,2±0,41	5,1	33,7±0,21	2,4	68,5
210	4423,3±21,1	4,1	49,7±0,44	6,1	34,1±0,99	2,9	68,6

Тажриба учун олиб келинган Калифорния зотига мансуб 10 бош эркак (2-жадвал) қуёнларнинг ўртача ёши 130 кунни ташкил қилиб, ўртача вазни 3085,5 кг. тана ўлчамлар ўртача 49,3см. кўкрак айланаси ўртача 32,6см. Индекс танаси ўртача 0,66

Акселерацион усулда 60 кунлик ёшигача боқилган қуён болаларининг ўсиш ва ривожланиш динамикаси 3, 4 жадвалларда берилган.

3-жадвал маълумотларига кўра, тажриба қуёнларнинг 60 кунлик ёшида анъанавий усулда боқилган тенгдошларидан тирик вазни 78,4 г, кунлик ўсиш 5,8% юқори бўлган. 45-60 кунлик даврда уларнинг кунлик ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлиб 26,5 г ташкил қилган ва шу даврда тенгдошларидан 1,6 г кўп бўлгани кузатилди.

Тажрибадаги қуёнларни тана тузилиши уларнинг қай даражада ривожланиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари шақилланиши бўйича далолат беради.

3-жадвал

Куён болаларининг даврлар бўйича ўсиш динамикаси, г ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Ўсиш даврлари	Тирик вазн	Абсолют ўсиш	Кунлик ўсиш
Куёнхонада парваришlashда			
Туғилганда	53,1±0,01		
21 кун	466,0±0,03	412,9±0,012	19,7
30 кун	665,3±0,02	199,3±0,022	22,1
45 кун	1015,8±0,04	350,5±0,015	23,4
60 кун	1390,0±0,03	374,2±0,02	24,9
Жами		1336,9	22,3
Акселерация усулида парваришlashда			
Туғилганда	54,7±0,01		
21 кун	509,0±0,01 5	454,3±0,011	21,6
30 кун	711,0±0,03	202,0±0,015	22,4
45 кун	1072,0±0,01 5	361,0±0,013	24,1
60 кун	1470,0±0,0 2	398,0±0,01	26,5
Жами		1415,3	23,6

Акселерация усулида ўстирилган куён болалари (4-жадвал) куёнхонада ўстирилган тенгдошларидан тана узунлиги бўйича 11,3%, кўкрак айланаси 7,1% ва бел кенглиги бўйича 10,4 % юқори бўлгани аниқланди.

4-жадвал

Куён болаларини 60 кунлик ёшида тана тузилиши кўрсаткичлари, см

Кўрсаткичлар	Куёнхонада парваришlashда			Акселерация усулида парваришlashда		
	n	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C%	n	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C%
Тирик вазн	15	1,39±0,03	10,3	15	1,47±0,02	9,6
Тана узунлиги	15	39,8±0,19	4,9	15	44,3±0,27	4,4
Кўкрак айланаси	15	23,7±0,21	8,1	15	25,4±0,31	8,9
Бел кенглиги	15	3,94±0,03	7,6	15	4,35±0,05	8,3

Хулосалар. Тажриба таҳлили шуни кўрсатадики акселерацион усулда парваришлан, илмий асосда озиклантириш ва ҳайвонларни қулай шароитда сақлаш ва



уларнинг барча физиологик эҳтиёжларини ҳисобга олиш куёнларни ўсиш ва ривожланишига ҳамда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларини шакиллантиришга ижобий таъсир қилади.

Меҳнат сарфи максимал даражада пасайиши туфайли акскелекратион куёнларни кўпайтириш нафақат хусусий уйлар эгаларига, балки шаҳарларда яшовчи ишбилармонларни ҳам барқарор ва жуда фойдали даромад билан таъминлаб, аҳолининг озиқа хавфсизлигини таъминлашда чорвачиликнинг куёнчилик йўналиши ўзининг тез етилиши, кўп авлод бериши, пархезбоп гўшт, зарур мўйна бериши учун кам озуқа сарфлаши билан ўзининг муносиб ўрнига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Аҳоли томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма 2015 й.
2. Балласов У.Ш., Маматиминов Ш.К. «Қуёнчилик» ўқув қўлланма, ТошДАУ Тахририят-нашриёт бўлими, Тошкент- 2016 й.
3. Рўзиев Р.И. «Ёш куёнбоқарлар учун услубий қўлланма», Тошкент, «Munis design group» МЧЖ босмахонаси, 2015 й.
4. Рўзиев Р.И. «Хонадонларда, кўп тармоқли фермер ҳамда бошқа тоифадаги хўжаликларда куён боқиш бўйича тавсиянома», Тошкент, «Munis design group» МЧЖ босмахонаси, 2016 й.
5. Хидиров К.И., Рузиев Р.И., Мухторов Б.О., Холматов А.Х. – "Маҳаллий куён зотдорлигига мансуб куёнларни сутдорлигини болаларини яшовчанлигига таъсири". "Ўзбекистон ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришда ёш олимларнинг ўрни" мавзусидаги "2021 йил Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"га бағишланган профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг II-масофавий илмий – амалий Конференцияси. 2021-йил.
6. Куён сутининг кимёвий таркибини ўрганиш, Чорвачилик ва наслчилик иши журнали 2020 йил Хидиров К.И., Рузиев Р.И.
7. Ёш куён болаларини ўстириш усуллари, Фермер журнали 2020 йил, Хидиров К.И., Рузиев Р.И., Аллашов Ф.С., Мухторов Б.
8. Она куёнларнинг сутдорлигини болаларини яшовчанлигига таъсири, 2020 йил, Чорвачилик ва наслчилик иши журнали, 4-сон, 40 б. Хидиров К.И., Рузиев Р.И., Аллашов Ф.С.
9. Қуёнчилик бўйича ўқув қўлланма, Тошкент, 2020 йил, Хидиров К.И., Рузиев Р.И., Юлдашов Д.Қ. ва бошқалар.
10. Қуёнларни сунъий уруғлантириш бўйича тавсиянома, Тошкент, 2020 йил Хидиров К.И., Сайдиумаров О.О., Аллашов Ф.Т., Мухторов Б.О.



11. Қуёнларда учрайдиган касалликларни олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича тавсиянома, Тошкент, 2020 йил, Хидиров К.И., Комилов А.А., Асраев У.Н., Муратова М., Мардонов Ж.